



## ЎҚИТУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАР ПЕДАГОГИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Джуманов Шерали Закирович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг  
Жиззах филиали Психология факультети Оила психология

кафедраси катта ўқитувчи.

sherali.zhumanov.83@bk.ru

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7810430>

### ARTICLE INFO

Received: 30<sup>th</sup> March 2023

Accepted: 07<sup>th</sup> April 2023

Online: 08<sup>th</sup> April 2023

### KEY WORDS

Педагогик мулоқот,  
ўқитувчилар, талабалар,  
коммуникатив қобилият,  
шакллантириш, восита,  
таркиб топтириш, ички ва  
ташқи таъсирлар, омиллар,  
воситалар, усуллар,  
муомала, мулоқот,  
мулоқотга киришувчанлик,  
ижтимоий яқинлик.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада ўқитувчи ва талабалар педагогик муносабатларини ижтимоий психологик хусусиятларига оид масалалар қаралади.

Мақоладан бўлажак мутахассислар ўз касбий фаолиятига оид интеллектуал салоҳиятини таркиб топтириш билан шуғулланувчилар фойдаланиш мумкин.

Ҳозирда ўқитувчиларнинг юқори касбий тайёргарликка, коммуникатив қобилият борасида ҳам педагогик маҳоратга, юқори интеллектуал салоҳиятга, юксак маънавий - ахлоқий фазилатларга, мафкура борасида чуқур дунёқарашга эга бўлиши, таълим-тарбия ишларида инновацион технологиялардан самарали фойдалана олишларини давр талаб этмоқда. Айниқса, талабалардаги коммуникатив қобилиятлар уларнинг касбий компетентлигининг таркиб топишида муҳим дидактик асос бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, таълим-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш ҳам ўқитувчидаги коммуникатив қобилиятининг мустаҳкам таркиб топганлигига боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан таълим олувчиларни коммуникатив қобилиятларини шакллантириш технологияларини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Мулоқотнинг муваффақиятли бўлишида шахснинг шаклланган сифатлари, фазилатларининг аҳамияти жуда катта. Жумладан, ўқитувчиларни ижобий фазилатлар яхши шаклланган бўлса (хушмуомалалилик, камтарлик, инсонпарварлик, тўғри сўзлилиқ, виждонлилиқ кабилар) ўқувчилар билан мулоқот жараёни ҳам яхши ўтади. Чунки шахслар бир-бирини тўғри тушунишлари учун, мулоқот муваффақиятли бўлиши учун улар самимий бўлишлари лозим. Самимийлик инсоннинг энг ажойиб



фазилатларидан бири бўлиб, воқеа-ҳодисаларга оқилона муносабатда бўлиш, турли таъсирларга берилмасликдир. Самимийликнинг муҳим белгиси-бу юздаги хушмуомалалик ифодаси ва табассум. Самимийлик бизнинг кайфиятимизга ҳам боғлиқ, чунки кайфиятимиз яхши бўлса, самимийлик кўчаяди. Самимийлик кўрсатиш учун кишининг кўнгли тоза, оқкўнгил бўлиш лозим. Самимийлик фазилати айниқса ўқитувчининг коммуникатив фаолиятидаги мулоқотида муҳимдир. Агар ўқитувчи ўқувчилар билан самимий муносабатда бўлмаса уларнинг кайфияти тушиб, меҳнат унумдорлиги пасайиши мумкин.

Таълим жараёнида таълим берувчилар таълим олувчиларнинг ҳамкорлик фаолиятига хос онгли интизомни ташкил этиш, сабоқ олувчиларни мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш касбий тайёрлаш муҳитини такомиллаштириши ва юксалишига олиб келади. Чунки ўқувчилар руҳий қуввати юқори, шижоатли, янгиликка чанқоқ, мустақилликка мойил, эгилувчан, хулқ-атворида ижтимоий меъёрларнинг шаклланиши жадал суръат билан кечадиган давр бўлиб ҳисобланади.

Таълим тизимидаги ўқитувчи билан ўқувчилар ҳамкорлигининг бугунги кун тимсоли ўқитиш жараёнини ташкил этилиши, педагог ва сабоқ олувчиларнинг психологик қиёфасини таснифлаш, уларнинг муносабатларидаги психологик муаммолар, ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш шарт-шароитлари, турли вазиятлар (ҳам ҳаётий, ҳам шахсий позиция)га уларнинг тайёрилиги, бир-бирларини шахс сифатида қабул қилиши, ўқитувчининг ўзаро муносабатлардаги касбий билимдонлиги, ўз мавқеи, ахборотлар тизимини қабул этишдаги ҳам индивидуал, ҳам гуруҳий ёндашувлари, унинг ўзи ва ўқувчилари баҳосидаги психологик профили, ўқитиш жараёнидаги ҳамкорлик кўринишлари ва феноменологиясини ёритиш тадқиқотнинг бош мақсади сифатида гавдаланади. Шундай бўлсада, бизнинг тадқиқотга қадар ҳам таълим жараёнидаги психологик муаммоларнинг турли жабҳаларини ўрганган илмий изланишлар мавжудлигини эътироф этамиз.

Бизнинг тадқиқот улардан фарқли ўлароқ муаммони ўрганишга зарурат борлигини ва мавзунинг долзарблигини ўзида қуйидагича мужассамлаштиради:

- янги типдаги таълим муассасаларининг ўқитувчиси коммуникатив муносабатнинг ўзига хос услубига эгаллиги заруратининг мавжудлиги;
- таълим берувчи ва таълим олувчилар коммуникатив муносабатларини узлуксиз таълим тизимининг алоҳида бир поғонаси эканлиги;
- ахборотлар ҳажмининг узлуксиз ўсиб бориши ўқитувчи билан ўқувчилар коммуникатив муносабатлар шаклларида ўзгартиришлар киритишга эҳтиёж сезилганлиги;
- таълим берувчининг шахсига, касбий билимдонлигига қўйиладиган мезон ва талабларнинг кескин ўзгараётганлиги;
- таълим олувчиларнинг дунёқараши билан таълим берувчиларнинг дунёқарашида анъанавий тафовутларнинг ортиб бораётганлиги;
- ўқитувчи билан ўқувчиларнинг таълимга оид позицияларида ўзгаришлар рўй бераётганлиги;
- таълим самарадорлигини таъминлашда ўқитувчи билан ўқувчилар коммуникатив муносабат усулларида ўзгартиришлар киритиш зарурлиги;



- ўқитувчининг муомала одоблари (назокати), шахслараро муомала маромлари, ўқувчининг муаллим тимсолига муносабатида кескинликлар кузатилаётганлиги каби қатор омиллар билан уйғунлашган тарзда изоҳлаймиз.

Ўқув - тарбия жараёнида педагогик мулоқотни бошқариш услублари. Психологияда раҳбарларнинг ўз жамоси аъзолари билан муносабат техникаси таҳлил этилиб, турли типдаги ижтимоий - психологик портретлари ишлаб чиқилган. Раҳбарларнинг мулоқотни бошқариш услублари: авторитар, демократик, либерал услуб тарзида берилган. Мана шу услубларни педагогик мулоқотда ўқитувчи раҳбарлиги услуби тарзида кўриш мумкин.

**Авторитар услуб.** Ўқитувчи гурҳнинг фаолият йўналишини шахсан ўзи белгилайди, ким - ким билан ўтиради, ким билан ишлайди ўқитувчи ўзи ҳал қилади. Бундай услубда иш юритувчи ўқитувчи ўқувчилар ташаббусига йўл бермайди. Ҳамкорликнинг асосий шакли - буйруқ, кўрсатма, инструкция, огоҳлантириш. Ҳатто камдан кам билдириладиган миннатдорчилик ҳам камситиш шаклида бўлади. "Сен бугун яхши жавоб бердинг. Сендан буни кутмовдим" каби.

Ўқувчи хатосини кўрса, уни тузатиш ўрнига устидан кулади. У йўида иш секинлашади ёки бутунлай тўхтаб қолади.

**Демократик услуб.** Ўқитувчи фаолият мақсадини ҳар бир ўқувчи онгига етказишга, иш боришини ҳал этишга ҳаммани фаол иштирок этишга ундайди. Ўзининг вазифасини фақат назорат ва мувофиқлаштиришда эмас балки тарбиялашда деб билади, ҳар бир ўқувчи рағбатлантирилади, унда ўзига ишонч пайдо бўлади, ўз - ўзини бошқариш ривожланади. Демократик услубда бошқарувчи ўқитувчи болаларнинг индивидуал қобилият ва қизиқишларини ҳисобга олиб вазифаларни оптимал тарзда тақсимлашга ундайди. Фаолликни рағбатлантиради, ташаббусни қувватлайди. Мулоқотнинг асосий шакли - илтимос, маслаҳат, ахборот тарзида бўлади.

**Либерал услуб.** Ўқитувчи жамоа фаолиятига аралашмасликка ҳаракат қилади, фаоллик кўрсатмайди, маслаҳатларга формал қарайди, турли таъсирларга тез берилади. Жавобгарликдан ўзини олиб қочади.

Энг яхши услуб - демократик услуб. Миқдорий кўрсаткичлар авторитар услубдан кам бўлиши мумкин, лекин ишлаш иштиёқи раҳбар йўида ҳам давом этади. Ижодкорлик юқори бўлади, жавобгарлик ҳисси, ўз жамоаси учун фахрланиш ривожланади. Энг ёмон услуб - либерал услуб бўлиб, бунда ҳам иш кам бажарилади, ҳам сифат ёмон бўлади.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан унда педагогик қобилиятнинг мавжудлигига боғлиқ. Психологияда педагогик қобилиятлар дегани инсоннинг муайян психологик хусусиятларини тушуниш қабул қилинган. Бу хусусиятлар унинг ўқитувчи вазифасида болаларни ўқитиш ва таълим тарбия беришда юксак натижаларни қўлга киритишнинг шарти ҳисобланади. Маълумки шахснинг қобилиятларини ҳосил қилувчи хислатлар ва хусусиятлар (улардан энг муҳими кузатувчанликдир) етакчи роль ўйнайди, бошқалари ёрдамчи роль ўйнайди.

Ўқитувчига ўқувчининг психологиясини унинг психик ҳолатини ўхшаш тарзда идрок этиш муайян ҳолда умуман синф жамоасининг аҳволига тўғри баҳо бериш



имконини беради. Ўқитувчи шахсининг ўзаро фикри фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари таркибий қисмлари сифатида «эмпания» яъни ўқувчиларнинг ҳолатини тушунишга ва уларга ачинишга тайёргарликни ҳисоблаш мумкин. Бунинг зарур шarti болаларга бўлган муҳаббатдир. Ниҳоят ўқитувчи шахсининг ўзаро фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари таркибий қисм деб ижтимоий ўзаро ҳаракатда бўлган юксак ривожланган эҳтиёжни ҳисоблаш мумкин. У билимларни бошқариб боришга, болалар билан муомалада жамоани ташкил этиш истагида намоён бўлади.

Ўқитувчида ижтимоий ўзаро ҳаракатда бўлган, унда мавжуд бўлган педагогик назокат майдонга чиқади. Энди педагогик қобилиятлар структурасига кирадиган ёрдамчи хислатлар ва хусусиятлардандан айримларини кўриб чиқамиз. Бу аввало ақл-идрокнинг муайян хислатлари, танқид кўзи билан қараш, собит қадамлик ва бошқа бир қатор хислатлардир. Ўқитувчининг нутқи нотиклик қобилиятининг мавжудлиги сўз бойишига ва ҳаказолар муҳимдир.

Табиатида артистлик хусусиятига эга бўлиш (хаёл фантазия ишлата билиш) ҳам ўқувчилар билан муомалада муваффақиятга эришишда муайян роль ўйнайди.

Тажриба ва махсус тадқиқотлар бунинг батамом ҳақиқий нарсa эканлигини кўрсатмоқда. Масалан, шарқ перцептив хусусиятларининг энг муҳим хусусиятлари бўлган кузатувчанлик ўқувчининг педагогик тажриба ҳосил қилиш жараёнида ҳам, унинг махсус куч ғайрати натижасида ҳам ривожланади, такомиллашади. Ўқитувчи ўзининг ижтимоий психологик кузатувчанлигини яъни ўқувчиларда турли характер хусусиятлари, майлларини пайқаб олиш қобилиятларигина эмас, шу билан бирга уларнинг пайдо бўлиш вазиятига мувофиқ баҳо бериш маҳоратини ривожлантиришга қодирдир. Ўқитувчи ўз ўқувчиларини улар муҳитидаги ўзаро муносабатларни ўзининг улар билан ўзаро муносабатларини ҳозирги дақиқада қандай бўлмасин, ҳудди шундай идрок этиш маҳоратини доимо такомиллаштириб бориш зарур. Бу эса осонгина қўлга киритилмайди. Педагогнинг идрок этиши ҳар қандай кузатувчининг идрок этишга ўхшайди, чунки педагог ҳамиша ўқувчиларга нисбатан ташқи вазиятда туради, маълум даражада улардан улар фаолиятидан (унинг ташкилотчиси бўлса ҳам) узоқлашмаган бўлади. Шу сабабли педагог ўзи қураётган нарсаларга ўзининг ижтимоий жараёнида ривожланишда идрок қилган норматив мулоҳазаларини онгли ва онгсиз равишда келиши мумкинки, педагог учун янги бўлган ҳодисалар унинг ўзида мавжуд бўлган нормалар ва тасаввурлар асосида анъанавий тарзда талқин этилиши мумкин. Бундан ташқари педагогнинг муайян масалага жавоб излашига интилиши, унда аҳамиятли бирор фактни ўтказиб юбормаслик учун қулай йўналиш ҳосил қилади. Агар ўқитувчи болаларнинг хатти-ҳаракатларини фақат тўғри идрок этиб, баҳо берса, уларни вужудга келтирган сабабларни чуқур кўра олсагина, шу билан бирга ўзида сабот, ўзини тута билиш, сабр-тоқат, сезгирлик каби феъл атвор хусусиятларини ривожлантира олсагина юқоридаги вазифаларга эришиш мумкин бўлади. Ўқитувчи ўз ўқувчиларини: уларнинг феъл-атворлари, тенгдошлари ва катталар билан муносабатларини турли баҳоларга ва муаммоларга ва ҳаказоларга муносабатларни доимо ўрганиб ва билиб боришга интилиш муҳимдир.

Ўқитувчи болаларни қанчалик билиб олса, унда болалар билан муносабатда хушмуомала бўлиш имкониятлари шу қадар кўпроқ бўлади.





Буларнинг ҳаммаси ўқитувчининг ўқувчилар билан бўладиган кичик тушунмовчиликларига ёрдам беради, унга ўқувчилар билан бўладиган келишмовчиликларга тегишли даражада одоб билан аралашувга ёрдам беради.

### References:

1. Zakirovich, Djumanov Sherali. "TALABALARDA KOMMUNIKATIV QOBILIYATLARNI SHAKLLANTIRISH TEXNOLOGIYALARI." International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research (2022): 543-545.
2. Djumanov Sh.Z. Talabalarni kommunikativ qobiliyatlarini shakllantirish va kasbiy muomala jarayoniga tayyorlash. Ўзбекистонда психологияни ривожлантириш муаммолари: назария ва амалиёт уйғунлиги, 112-115.
3. Джуманов, Ш., & Холикулова, С. (2022). Талабаларда коммуникатив қобилиятларни шакллантириш имкониятлари. Современные инновационные исследования актуальные проблемы и развитие тенденции: решения и перспективы, 1(1), 513-515.
4. Davlataliyevna, S. N. (2022). OILADAGI SALBIY MULOQOTNING FARZAND PSIXOLOGIYASIGA TA'SIRI. International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research, 475-478.
5. Davlataliyevna, S. N. (2022). PSYCHOLOGY AND ITS PRINCIPLES. Scientific Impulse, 1(5), 823-826.
6. Davlataliyevna, S. N. (2022). UMUMIY PSIXOLOGOYA VA TURLI XIL PSIXOLOGIK AMALIYOTLAR. Scientific Impulse, 1(5), 820-822.
7. Boysoatovna, R. R. (2023). ABU ALI IBN SINO ASARLARIDA PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK YONDOSHUVNING O'ZIGA HOS JIHATLARI. Scientific Impulse, 1(6), 419-423.
8. Boysoatovna, R. R. (2023). TALIM DARAJASI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA XORIJIY DAVLATLAR TAJRIBALARDAN FOYDALANISH. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(6), 490-496.
9. Zarnigor, N. (2022). RAHBAR PSIXOLOGIYASI VA UNING MEHNATIGA QO'YILADIGAN TALABLAR. INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM, 2(24), 121-125.
10. Назарова, З. (2023). ПСИХОСОМАТИК КАСАЛЛИКЛАРДА ПСИХОКОРРЕКЦИЯ ВА ПСИХОПРОФИЛАКТИКА УСУЛЛАРИ. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(6), 268-272.
11. Safarov, B.N. (2022 yil, noyabr). MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA PEDAGOGIK KOUCHINGNI TOSHKIL ETISHNING DOLZARBLIGI. 21- ASRDA INNOVATSION TA'LIMNING O'RNI VA AHAMIYATIGA BASHLANGAN XALQARO KONFERENSIYADA ( 1-jild, 8-son, 30-35-betlar).
12. Safarov, B. (2021). 6-7 yoshli bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashda matematika mashg'ulotlarini ahamiyati: 6-7 yoshli bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashda matematika mashg'ulotlarini ahamiyati. Maktabgacha ta'lim jurnali.
13. Norboyevich, SB, & Axmadjonovna, BM (2023). TA'LIM MUASSASALARIDA TA'LIM-TARBIYA JARAYONINI SAMARALI TASHKIL ETISHNING BOSHQARUV PRINSPLARI. Ta'lim faoliyatida innovatsion rivojlanish , 2 (4), 18-23.
14. Yo'ldoshev, S. (2023). LIDERLIK SIFATLARINI SHAKLLANTIRISHDA SINF RAHBARINING O'RNI. Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya jurnali , 3 (1).



15. Ergashevich, Y.S. (2022). KIBERHUJUMLARDAN HIMOYALASHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Zamonaviy ilmiy va texnik tadqiqotlar xalqaro jurnali , 46-49.
16. Buribaevich, MK, Yuldashev, SE, & Ugli, SLB (2022). Zamonaviy etakchilik psixologiyasi samarali boshqaruvning muhim hodisasi sifatida. Erta bolalik maxsus ta'limi xalqaro jurnali , 14 (1).
17. Buribaevich, M.K., Shalola, R. va Yuldashev, SE (2022). Etakchilik boshqaruv faoliyatida samarali vosita sifatida. Evrosiyo gumanitar va ijtimoiy fanlar jurnali , 5 , 135-140.
18. Yo'ldoshev, S. (2022). KIBERHUJUMLARDAN HIMOYALASHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya jurnali , 2 (6).